

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIG

A.Navoiy nomidagi
Samarqand Davlat Universiteti
Musiqa, Badiiy grafika va Mehnat ta'lifi fakulteti

**“КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ”
КАФЕДРАСИ**

REFERAT

Mavzu: **Талаба-ёшлар маънавиятини шакллантиришда ахборот
коммуникацион технологиялардан фойдаланиш**

Катта ўқитувчи Ўтанов Ў.

Samarqand 2012

Талаба-ёшлар маънавиятини шакллантиришда ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да «Замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб боради», деб таъкидланган [1,57].

Мазкур дастур қабул қилинган вақтдан буён ўтган давр ичида мамлакатимиз олий ўқув юртларида, шу жумладан СамДУда ахборот коммуникацион технологиялар воситасида талабаларни маънавий шакллантириш бўйича маълум тадқиқотлар олиб борилмоқда [3,4,5]. Ушбу тадқиқотларнинг давоми сифатида талаба-ёшларни тарихий обидалар билан танишириш орқали уларнинг маънавиятини шакллантиришда компьютер технологияларидан фойдаланишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Узлуксиз таълим тизимининг барча турларида гидек, олий ўқув юртларида ҳам талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ҳамда уларнинг маънавиятини юксалтиришда тарихий обидаларга экскурсиялар уюштириш билан бир қаторда уларнинг мулоқотли дастурини ишлаб чиқиши чегараланмаган имкониятларга эга. Улар, асосан, кафедра ўқитувчилари томонидан ўқув курсининг муҳим мавзуу ва боб(бўлим)ларини ўрганиш билан боғлиқ равишда ўтказилади.

Маълумки, ўқув предметлари бўйича тарихий-меъморий ва маданий ёдгорликларга уюштириладиган экскурсиялар талабаларни буюк аждодларимизнинг инсоният тараққиётига, хусусан, диний ва дунёвий илмлар, маънавият ва маърифатнинг юксалишига кўшган улкан ҳиссаларини, темурийлар томонидан яратилган ўзбек давлатчилиги, улар томонидан барпо этилган муҳташам обида(мадраса, расадхона, мақбара ва ҳоказо)лар, тарихий, ўлкашунослик музейлари, рангтасвир галереяси ва б.к. билан танишириш орқали улар қалбида миллий ғуур-ифтихор ҳиссини уйғотиш ва кучайтириш, уларда Ватанни севиш, унга хизмат қилиш каби эзгу мақсадларни, маънавий юксакликка интилишни, пировард натижада, соғлом маънавий эҳтиёжни шакллантиришда кенг имкониятларга эга. Буни эса Президент И.А.Каримовнинг маънавиятини асрраб-авайлаш, унга таҳдид соладиган хуружлар тўғрисида «...авваломбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятилизга, улуғ аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёrimизда барча ўзгаришларга даҳлдорлик туйғуси билан яшashi зарур», - деган мулоҳазаларини амалга оширишга қаратилган аниқ саъй-ҳаракатлар деб қарашимиз керак [2,17].

Ижтимоий-сиёсий мафкурамизда ислом дунёси, тасаввуф, сўфийлик нақадар буюк рол ўйнаганини, табаррук заминимизда мангу ором топган Шайх Юсуф Ҳамадонийнинг, айни пайтда ул зотнинг шогирдлари – хожагон, яссавия ва кубравия тариқатларининг пирлари Абдухолик Фиждувоний,

Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Шайх Хованд Тохур, Ҳожа Аҳрор Валий сингари шуҳрати жаҳонни тутган аждодларимиз орқали она Ватанимизни ислом оламидаги нуфузи ниҳоятда юксаклигини талабаларга тарғиб қилиш, шу тариқа ислом дини тинчлик, маърифат, юксак ахлоқ-одоб ифодаси эканлигини намойиш этиш орқали бўлажак ўқитувчиларнинг маънавиятини шакллантириш мақсадида талабалардан иродаю иштиёқ билан бирга тафаккурнинг кучли ёғдусини талаб қиласиган ишга дастлаб Самарқанд шахрида кейинчалик Самарқанд вилоятида жойлашган мадраса, мақбара, ансамбл, қабристон, масжидлар, азизавлиёларимиз мангу ором топган муқаддас жойларни, улуғ алломаларимизнинг қадамжоларини ўрганишга жалб қилинди.

Иzlаниш натижалари талабаларга Самарқанд шахрида маънавиятимизни ниҳоятда юксаклигидан далолат берувчи ана шундай обьектларни ҳисобга олишга, тарихий обидаларнинг рўйхатларини тузишга ҳамда уларнинг Самарқанд шахри ҳудуди(кўча ва маҳаллалар)да жойлашишига мос равища, Самарқанд шаҳрининг географик харитаси асосида, «**Самарқанд маънавият ўчоқлари**» электрон харитасини ишлаб чиқишига имкон берди. Талаба ёшларда юртимизнинг ислом оламидаги нуфузини бекиёс юксаклигини тарғибот-ташвиқот қилишга қаратилган ушбу тадқиқотчилик фаолиятимизни самарали бўлишини таъминлаш мақсадида ушбу соҳада бошлаган изланишларимизнинг айрим натижалари билан ўртоқлашиш мақсадга мувофиқдир.

«Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган ...»[2,30] ва бу ноёб тарихий ёдгорликларнинг катта қисми Самарқанд шахри ва вилоятида жойлашганлиги муносабати билан улардан таълим-тарбия жараёнида талабаларни маънавий шакллантиришда самарали фойдаланиш мақсадида уларни маълум белгилар асосида гуруҳлаш жоиздир.

Мустақиллик йилларида республикамизда, шу жумладан Самарқанд шахри ва вилоятида кўплаб янги маданият, санъат, спорт даргоҳлари қад кўтариб, моддий ва маънавий қадриятлар қайта тикланиб ҳалқимиз, айниқса, талаба ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаётганлигини ҳисобга олсак Самарқанд ва вилоятдаги маънавият ўчоқларини гуруҳлашга эҳтиёж янада ошади.

Қўйида компьютер хотирасига жойлаштирилган гуруҳларни келтирамиз. Бунда ҳар бир гурухга киритилган экскурсия обьектлари ҳақидаги маълумотлар ҳам компьютер хотирасига киритилган.

1.Мадрасалар: Улугбек мадрасаси, Ялангтўш Баходир мадрасаси, Тилла Кори мадрасаси, Шердор мадрасаси ва б.к.

2.Мақбаралар: Гўри Амир мақбараси, Имом Мотрудий мақбараси, Махдуми Аъзам мақбараси, Имом Исмоил ал-Бухорий мақбараси ва ёдгорлик мажмуаси ва б.к.

3.Масжидлар: Бибихоним, Ҳазрати Хизр, Ҳожа Аҳрор Валий, Ҳожа Абду дарун, Ҳожа Абду берун ва б.к.

4.Қабристонлар: Шоҳи Зинда, Чокардиза, Панжоб, Мурод авлиё ва б.к.

5.Қадамжолар: Амир Темур қадамжоҳи, Мирзо Улуғбек қадамжоҳи, Алишер Навоий қадамжоҳи, Хотира майдони, Маҳмудхўжа Беҳбудий қадамжоҳи (Сам ПХМОҚТИ).

6.Музейлар: Афросиёб музей-қўриқхонаси, Афросиёб тарихи музейи, Ўзбекистон тарихи музейи, Ўлкашунослик музейи, Мирзо Улуғбек расадхонаси ва музейи, СамДУ қошидаги Алишер Навоий музейи, СамДУ илмий кутубхонаси қошидаги эски кўлёзмалар бўлими, СамДУ қошидаги геология музейи, СамДУ зоология музейи, СамДУ археология музейи, Садриддин Айний уй музейи, Мирзо Улуғбек номидаги меъморчилик қурилиш институти музейи, Саидризо Ализода уй музейи ва б.к.

7.Театрлар: Ҳамид Олимжон номидаш театр, А.Чехов номидаги театр, Асрор Жўраев номли қўғирчоқ театри, Алишер Навоий номидаги истироҳат боғидаги амфитеатр.

8.Концерт заллар: Мирзо Улуғбек кўчасида жойлашган Самарқанд санъат коллежи қошидаги янги концерт зали, Камолот ЁИХ маркази қошидаги концерт зали.

9.Боғлар: Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи, Суғдиёна истироҳат боғи, Ёшлар истироҳат боғи.

10.Ахборот ресурс марказ(кутубхона)лари: Пушкин номидаги вилоят ахборот ресурс маркази, СамДУ нинг Абдураҳмон Жомий номидаги ахборот ресурс маркази, СамДУ (педагогика ва физика факультетлари) ахборот ресурс марказлари, Самарқанд Чет тиллар институти ахборот ресурс маркази, Самарқанд Қишлоқ Хўжалик институти ахборот ресурс маркази, Самарқанд қурилиш ва архитектура институти ахборот ресурс маркази, Самарқанд тиббиёт институти ахборот ресурс маркази, ТАТУ Самарқанд филиали ахборот ресурс маркази, СамВПКМОҚТИ ахборот ресурс маркази, Абу Райхон Беруний номидаги вилоят болалар ахборот ресурс маркази(М.Қошғарий кўчаси 62 уй) ва х.к.

11.Устахоналар: Самарқанд шаҳри Тошкент кўчасидаги ҳунармандлар маркази (собиқ «Усто бирлашмаси»), Сиёб бозорида жойлашган «Темирчилик» устахонаси. (Дунёга донғи кетган машҳур кулолчилик, пичоқчилик, ганчкорлик ва б.к. усталарининг устахоналари.)

12.Марказлар: Самарқанд ёшлар маркази, Машхура ўқув маркази, Самарқанд ҳунармандлар маркази (собиқ «Усто бирлашмаси»).

Энди компьютер мулоқотли дастурнинг ишлаш кетма-кетлигини ёритамиз. Компьютер хотирасидан «Самарқанд маънавият ўчоқлари» номли файл чақириб олинади. Натижада экранда «Самарқанд маънавият ўчоқлари» харитаси намоён бўлади. Хаританинг ўнг паст бурчагида шартли белгилар мавжуд бўлиб, уларда мадрасалар, мақбаралар, масжидлар, қабристонлар, қадамжолар, музейлар, театрлар, кино театрлар, концерт заллари, боғлар, кутубхоналар, устахоналар, марказлар белгилари акс эттирилган.


Харита 4 бўлимдан иборат(1-,2-,3-,4-бўлимлар). Бўлимларни ишга тушириш учун сичқончанинг чап тугмаси керакли бўлимга олиб борилиб,

бир марта босилади, натижада экранда сичқонча орқали босилган бўлим катталашиб тўлиқ экранга ёйилади. Хосил бўлган бўлимда шартли белгилар асосида маънавият ўчоқлари акс этади. Шу шартли белгилар устига сичқонча олиб борилиб чап тугма босилса экранда маълум қадамжо суръати пайдо бўлади. Масалан, харитамизнинг 1-бўлимида жойлашган Амир Темур ҳайкали(Университет хиёбонида бунёд этилган)ни ҳамда Гўри Амир мақбарасини электрон харитадан чақириб оламиз. Натижада экранда Президентимиз Ислом Каримов ташабbusлари билан 1997 йилда бунёд этилган, Турон заминининг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, қудратли давлатни вужудга келтирган Амир Темур бобомиз қадамжоҳи ва бобомизнинг ҳаёт йўли, фаолияти, мамлакат ривожига қўшган улкан ҳиссаси тўғрисидаги маълумотлар пайдо бўлади. Бундан ташқари харитамизнинг 4-бўлимида жойлашган ислом оламининг буюк мутафаккири, ҳадис илмининг султони ал-Бухорий ҳақида, унинг таваллудининг 1125 йиллиги муносабати билан Самарқанд вилояти Пайариқ тумани Хартанг қишлоғида Имом ал-Бухорий шанига қурилган бетакрор ёдгорлик-мажмуаси ва улуғ бобомизнинг мақбарасини сурати компьютер экранида намоён бўлади. Суръат устида сичқончани чап тугмасини боссак Ислом ал-Бухорий бобомизнинг ҳаёт йўли, ижоди, ҳадис илми ривожига қўшган бетакрор ҳиссаси(буюк ватандошимиз башариятга тенгсиз маънавий-мерос қолдирган бўлиб, бу мероснинг гултожи энг ишончли ҳадислар тўплами - Ал-жомеъ ас-Саҳиҳ(«Ишончли тўплам»)ислом динида Қуръони Каримдан кейин эзозланадиган иккинчи манбадир. Бундан ташқари унинг «Ал-адаб ал-муфрар»(«Адаб дурдоналари»)номли асарида одоб-ахлоқ қоидалари борасида батафсил маълумотлар берилган) тўғрисидаги маълумотлар пайдо бўлади.

Шартли белгилар асосида керакли қадамжолар ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Худди шунингдек, сичқончани чап тугмаси қайта босилганда юқоридаги бўлимга қайтади. Биз бошқа бўлимга ўтиш учун қайтиш тугмасини босамиз, натижада бўлим умумий ҳолатга қайтади. Шу тарзда талabalар исталган бўлимдаги қадамжолар тўғрисидаги суръат ва маълумотлар билан танишиш мумкин.

Бу ерда биз ушбу электрон харитада жойлашган ҳар бир маънавият ўчоғи ҳақида баён қилинган маълумотлар билан бир қаторда ушбу экскурсия обьектини мукаммал ўрганишга эришиш, талabalарни кичик тадқиқотларга жалб қилиш орқали уларнинг фаоллигини ошириш, ўрганилаётган обьект ҳақидаги билимларини бойитиш мақсадида ҳар бир талаба (индивидуал) ва талabalар жамоа-жамоа бўлиб бажарадиган топшириқлар мажмуалари келтирилганлигини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Буюк ўтмишимиз ва мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизга доир маълумотларни ўрганиш компьютер мулоқотли дастурнинг қуйидаги схемаси асосида амалга оширилади.



Мулоқотли дастуримизда 50дан ортиқ табаррук қадамжолар харитага жойлаштирилган ва улардан исталганини мулоқотли дастурдан чақириб улар хақидаги маълумотлар билан танишиш имкониятига эга бўламиз.

Компьютер мулоқотли дастур воситасида талабалар маънавиятини шакллантириш бўйича юқорида баён қилинган бой имкониятлар нафақат олий ўқув юртларида, балки умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълим тизимлар тизимида фойдаланишни кўзда тутади.

Шу боис «Самарқанд маънавият ўчоқлари» номли компьютер мулоқотли дастурнинг электрон вариантидан кенг кўламда фойдаланиш учун уни вилоятимиз таълим муассасалари «Маънавият ва маърифат»хона ва марказлари компьютерлари хотирасига жойлаштиришни бошлаб юбордик. Бундан ташқари, Самарқанд шаҳрида жойлашган маънавият ўчоқларига қатор фанлар бўйича уюштириладиган комплекс экспурсияларни ташкил этиш, уларга ҳамкорликда тайёргарлик кўриш, ўтказиш ҳамда экспурсиялар натижалари бўйича ҳисоботлар тайёрлаш ва уларни ҳимоя қилишда талабалар, профессор-ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш мақсадида «Самарқанд маънавият ўчоқларига экспурсиялар уюштириш жараёнида талабалар маънавиятини шакллантириш» мавзусида 2008 йилда 4 босма табоқ ҳажмда методик қўлланма чоп этдик.

Ёшлишимизга мустақиллик йилларида миллий-маънавий меросимизга бўлган эътиборни қучайиши натижасида, бу соҳада амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари тўғрисида талабаларга маълумотлар бериб бориш, уларда Ватанга муҳаббатни, тарихий хотирани юксалтиришга, она диёримизда юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги, миллатлар аро тотувликни таъминлашга қаратилган эзгу ишларга даҳлдорлик туйгуларини қучайтиришга хизмат қиласди.

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» // Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.:Шарқ,1998. – 646.
- 2.КаримовИ.А.Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.:«Маънавият»,2008.-1766.
- 3.Хушвақтов Н., Ўрозов Б. Миллий қадриятларимизни ўрганишда компьютер //Халқ таълими, 2004, 6-сон.- 38-40.
- 4.Шодиев Н. ва б.к. Миллий истиқлол ғоясининг педагогик ва ахборот технологиялари // Ахборот-коммуникацион технологиялар ўқув жараёнида: муаммолар, ечимлар ва истиқболлар//Республика илмий-методик конференцияси материаллари. II қисм. – Самарқанд, 2007.- 9-136.
- 5.Ўрозов Б.Х. Талабаларга маънавий-моддий қадриятлар ва хусусиятларини ўргатишнинг ахборотли таъминот тизими //Халқ таълими, 2004, 3-сон.67-70б.

(Использование информационно-коммуникационных технологий в формировании у студентов духовности).

Forming spirituality in students by using information – communication technologies.